

Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 485-ҳадис

485/880 - عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: أَشْهَدُ عَلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «الْعُسْلُ يَوْمَ الْجُمُعَةِ وَاجِبٌ عَلَى كُلِّ مُحْتَلِمٍ، وَأَنْ يَسْتَنَّ، وَأَنْ يَمَسَّ طَيْبًا إِنْ وَجَدَ».

485.880 Амр ибн Сулайм Ансорий айтади:

«Абу Саъид розияллоҳу анҳунинг шундай деганига гувоҳлик бераман: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деганларига гувоҳлик бераман: **«Жума куни ғул қилиш, тишларни тозалаш, агар топса, хушбўй нарса суриш ҳар бир эҳтилом бўлувчига вожибдир».**

Амр айтади: «Ғулга келсак, гувоҳлик бераманки, у вожибдир. Аммо тишларни тозалаш ва хушбўйланишга келсак, у вожибми ёки йўқми, Аллоҳ билувчидир. Лекин ҳадисда шундай».

Изоҳ: Араб тилида, хусусан, ҳадисларда «вожиб» сўзи гоҳида «худди вожибдек зарур», «қилиш лозим» деган мазмунларда ҳам ишлатилиб, маънони таъкидлашга хизмат қилади ва бунда у шаръий вожибликни англатмайди.

Манба: hadis.islom.uz

